

«EUROASIA INSURANCE» АЖ  
акциядорлари умумий йиғилишининг  
2022 йил 17 августдаги қарори билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»

.....  
ийгилик раиси Б.Шадиев



**«EUROASIA INSURANCE» акциядорлик жамияти  
акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги**

**НИЗОМИ**

## **I. Умумий қондалар**

1. Мазкур Низом «EUROASIA INSURANCE» акциядорлик жамияти шаклидаги қўшма корхонасининг (кейинги ўринларда – «Жамият») акциядорлари умумий йиғилишининг ҳуқуқий мақомини, унинг фаолият тартибини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини ва қарорлар қабул қилиш тартиб-таомилини белгилайди.
2. Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, (бундан буён – «Қонун») «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги 176-сонли «Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда Жамият Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.
3. Акциядорлар Умумий йиғилиши Жамиятнинг олий бошқарув органидир.
4. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши ҳар йили одатда июнь ойининг тўртинчи ҳафтасида ўтказилади. (У-71)
5. Акциядорлар йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Тафтишчини (тафтиш комиссиясини) сайлаш, Ижроия органи раҳбари ва унинг ўринбосарлари билан тузилган шартнома муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги масалалар ҳал қилинади, шунингдек Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Ижроия органи ва Кузатув кенгашининг Жамиятни ривожлантириш стратегияси ва бизнес режаси ижроси юзасидан кўрилатган чор-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлар ҳамда бошқа ҳужжатлар кўриб чиқилади.
6. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.
7. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.
8. Жамиятнинг барча оддий акциялари битта акциядорга тегишли бўлганда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. Қонун, Жамият Устави ва мазкур Низом билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши керак, жамиятнинг имтиёзли акциялари ушбу Қонунга мувофиқ овоз бериш ҳуқуқини олиши ҳоллари бундан мустасно. Бунда акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгиловчи қоидалари қўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига тааллуқли қоидалар бундан мустасно.

## **II. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари ва қарорларни қабул қилиш**

9. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:
  - 9.1. Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
  - 9.2. Жамиятни қайта ташкил этиш;

- 9.3. Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- 9.4. Жамият Кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар кўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- 9.5. Жамиятнинг эълон қилинган акцияларининг энг кўп миқдорини белгилаш;
- 9.6. Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш;
- 9.7. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш;
- 9.8. Жамиятнинг жойлаштирилган акцияларини сотиб олиш;
- 9.9. Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, унинг раҳбарини (Бошқарув раисини ёки Бош директорни) сайлаш (тайинлаш), Жамият раҳбарининг ўринбосарларини сайлаш (тайинлаш), агар лозим бўлса, Жамият Ижроия органи вакиллари лавозими учун танлов ўтказилганда ғолиб чиққан номзодни сайлаш (тайинлаш), аввал сайланган (тайинланган) Жамият раҳбари ва унинг ўринбосарлари билан тузилган меҳнат шартномаларини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш ва/ёки уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно;
- 9.10. Жамият тафтишчисини (тафтиш комиссиясининг аъзоларини) сайлаш ва унинг (уларнинг) ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтишчи (тафтиш комиссияси) тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш;
- 9.11. Жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
- 9.12. Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- 9.13. Жамият Кузатув кенгашининг ва тафтишчиси (тафтиш комиссиясининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтишчининг (тафтиш комиссиясининг) ҳулосаларини эшитиш;
- 9.14. Имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Қонунининг 35-моддасида ва Жамият Уставида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;
- 9.15. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- 9.16. Акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- 9.17. Қонуннинг 8-бобига мувофиқ, Жамият томонидан баланс қиймати ёки харид қилиш қиймати тегишли битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган санада Жамият соф активлари миқдоридан эллик фоиздан ортиқ суммани ташкил қиладиган мулк бўйича йирик битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 9.18. Қонуннинг 9-бобига мувофиқ, Жамиятнинг аффилиланган шахси билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 9.19. Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятларини қабул қилиш ва хабар бериш шаклларини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- 9.20. Ички назорат, дивиденд сиёсати, манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;
- 9.21. Мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес жараёнлар ва лойиҳалар Жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги ҳар йиллик таҳлилини ўтказиш бўйича қарор қабул қилиш;
- 9.22. Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш;
- 9.23. Ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдамни Ижроия органига бериш ва энг кўп миқдорларини белгилаш;
- 9.24. Электрон почта бўйича (электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш орқали), шунингдек ўз ваколатларини вакилга бериш ёки видео-конференц-алоқа режимида умумий йиғилиш ўтказиш орқали овоз бериш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
- 9.25. Санок комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни жалб этиш (масалан, инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қоҳозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
- 9.26. Миноритар акциядорлар кўмитасини (миноритар акциядорлар кўмитаси ташкил қилинган ҳолатда) Жамият маблағлари ҳисобига таъминлаш учун харажатларни қоплаш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
- 9.27. Акциядорлар умумий йиғилишида ҳисобот берадиган Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари маърузаси (ҳисоботи) шакли ва мазмунига талабларни белгилаш, умумий йиғилиш фаолиятини белгилаш;
- 9.28. Аудиторлик текшируви ўтказиш (шу жумладан, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларни ташқи аудиторлик текшируви бўйича) ва унинг хизматлари учун тўландиган энг юқори ҳақ миқдорини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 9.29. Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексида мувофиқ Корпоратив бошқарув Кодексининг тавсияларини бажармаслик ёки Корпоратив бошқарув Кодексида назарда тутилган ахборотни ошқор этмаганлиги учун жамият мансабдор шахсларига нисбатан жавобгарлик чораларини белгилаш;
- 9.30. белгиланган тартибда жамият йиллик бизнес-режасини тасдиқлайди;
- 9.31. Жамият Кузатув кенгаши томонидан тузилган санок комиссияси аъзолари ва сонини тасдиқлайди;
- 9.32. қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қилиш.
10. Акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиниши учун Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Ижроия органига берилиши мумкин эмас.

### **III. Акциядорлар умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқи.**

#### **Акциядорларни ва уларнинг ваколатли вакилларини рўйхатдан ўтказиш**

11. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.
12. Жамият акциядорининг талабига кўра акциядорга у акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

13. Акциядорлар умумий йиғилишида Жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар иштирок қилиш ҳуқуқига эгалар, уларнинг ваколатли вакиллари, санок комиссияси, ички аудит хизмати ходимлари, аудиторлик текширувини ўтказган аудиторлик ташкилоти вакили, Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари, Ижроия органи, Тафтишчи (Тафтиш комиссияси аъзолари), шунингдек миноритар акциядорлар қўмитаси вакили (мавжуд бўлган ҳолатда) ва бошқалар Акциядорлар умумий йиғилиши Раисининг таклифи бўйича иштирок қилиш ҳуқуқига эга бўладилар.
14. Жамиятнинг Ижроия органи аъзолари, Кузатув кенгаши ва Тафтишчиси (Тафтиш комиссияси вакиллари), шунингдек аудиторлик ташкилоти вакиллари Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида ўз органлари ҳисоботлари билан шахсан иштирок қилишлари керак.
15. Жамиятнинг Кузатув кенгаши, Тафтишчи (Тафтиш комиссияси) лавозимига ва Жамият Ижроия органи лавозимларига номзодлар Акциядорлар умумий йиғилишида ўз номзодлари кўриб чиқилишида иштирок қилишлари мумкин.
16. Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари йиғилиш ўтказилиши тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган жой ва вақт бўйича белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишлари керак.
17. Агар қонунчиликда ўзгача қоида белгиланган бўлмаса акциядорнинг, шу жумлада акциядорлик битишув тузган акциядорларнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига ёки идентификацияловчи ID-картасига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс ҳисобланган акциядор томонидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс ҳисобланган акциядор номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган ҳолда берилади.
18. Акциядор исталган вақтда Акциядорлар умумий йиғилишидаги ўз вакилини алмаштириш ёки ушбу йиғилишда шахсан иштирок қилиш ҳуқуқига эга.
19. Умумий йиғилишда қатнашиш учун келган жисмоний шахслар бўлган акциядорларни рўйхатдан ўтказиш паспорт ёки акциядорнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат кўрсатилгач, вакилга нисбатан эса нотариал тартибда тасдиқланган (агарда ишончнома юридик шахс томонидан берилган бўлса, ўша юридик шахс раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган) ишончнома кўрсатилгач амалга оширилади.
20. Жамият акциядори юридик шахс бўлса, унда ушбу юридик шахснинг раҳбари вакил тайинламасдан, бевосита ўзи иштирок этиши ва акциядорларнинг умумий йиғилишдаги ўз ваколатларини лавозимга тайинлаш тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжат ҳамда шахсни тасдиқловчи ҳужжат асосида амалга оширади.
21. Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш учун акциядорларни рўйхатдан ўтказиш Жамият акциядорлари реестрига биноан биринчи иловада келтирилган шакл бўйича Қайд этиш рўйхати тузилади.
22. Қайд этиш рўйхати жузланган, тартиб рақами қўйилган, ип ўтказиб тикилган ва Жамият муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

23. Умумий йиғилишни ўтказишда акциядорлар (уларнинг вакиллари) қайд этиш рўйхатига имзо чекадилар ва Жамият акциядорлари реестри маълумотлари бўйича белгиланган ҳар бир акциядорнинг овоз берувчи акциялари сонидан келиб чиқиб овоз бериш бюллетенини оладилар (бюллетен намунаси иккинчи иловада келтирилган).
24. Агар йиғилиш қатнашчиси бир ёки бир неча акциядорнинг манфаатларини ифодалашга ишончнома тақдим этса, у ҳолда унга у ифодалаётган акциядор (акциядорлар) учун овоз беришга бюллетен берилади, қайд этиш рўйхатида эса у ифодалаётган акциядорнинг фамилияси қаршисига «\_\_\_\_\_та (сони) овоз берувчи акциялар бўйича «\_\_\_» да берилган ишончнома бўйича» деган ёзув қайд этилади ҳамда вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

#### **IV. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш**

25. Акциядорлар умумий йиғилишини мазкур Низомнинг 3-бандида белгиланган муддатда сифатли тайёрлаш ва ўтказиш учун Ижроия органи корпоратив консультант (мавжуд бўлган ҳолатда) билан биргаликда қуйидагиларни амалга оширади:
- жамиятнинг Кузатув кенгаши қарори билан танланган аудиторлик ташкилотлари билан аудиторлик текширувини ўтказиш, шу жумладан Молиявий ҳисоботнинг халқаростандартларига мувофиқ молиявий ҳисобот тайёрлаш, Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудит ташкил қилиш бўйича шартномалар тузади, ушбу шартномаларда текширув яқунланишининг аниқ муддатлари кўрсатилади;
  - халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудит ўтказилгандан сўнг йиллик умумий йиғилиш ўтказиладиган санагача икки ҳафтадан кичиктирилмай Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тузилган ҳар йилги молиявий ҳисобот эълон қилинишини таъминлайди.
26. Жамият Ижроия органи қуйидагиларни ишлаб чиқади (тайёрлайди):
- акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тартиби (регламенти) лойиҳалари, ҳар бир йўналиш бўйича асослар илова қилинган ҳолда соф фойда тақсимланиши (зарарлар ўрни қопланиши) ва Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан кўриб чиқиладиган бошқа хужжатлар, шунингдек санок комиссиясини ташкил қилиш бўйича таклифлар. Акциядорлар йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритиш учун акциядорлар томонидан келиб тушган таклифларни, шу жумладан Жамиятнинг Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига (тафтишчи сифатида) кўрсатилган номзодлар тўғрисидаги ахборотни ва бошқа маълумотларни умумлаштиради;
  - Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва йиллик бизнес-режаси, шунингдек Жамиятнинг ўрта муддатли ва узоқ муддатли даврдаги ривожланиш стратегияси лойиҳаси, Жамиятнинг асосий йўналишлари ва мақсадларига асосланиб унинг аниқ муддатлари белгиланади;
  - бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисида ва Жамиятнинг ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоралар тўғрисидаги ижроия орган ҳисоботи, аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш бўйича танлов ўтказиш ва ҳ.к.
27. Ижроия органи мазкур Низомнинг 30-бандида қайд этилган материаллар ишлаб чиқилгандан (тайёрлангандан) сўнг уларни Жамиятнинг Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун киритади.
28. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда Кузатув кенгаши қуйидагиларни белгилайди:

- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;
  - умумий йиғилишнинг кун тартибини;
  - умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;
  - умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга ва давлат вакилига хабар қилиш тартибини;
  - умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриляётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;
  - овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.
29. Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказиладиган сана ушбу йиғилиш ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўн кундан олдин ва ўттиз кундан кейин белгиланиши мумкин эмас.
30. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказиладиган санагача етти кундан кечиктирилмай, бироқ ўттиз кундан олдин бўлмаган муддатда Жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта бўйича юборилади (3-сонли иловага мувофиқ).
31. Жамият акциядорга мустақил равишда ёки Жамият ва қимматли қоғозлар бозорининг малакали иштирокчиси ўртасида тааллуқли хизматлар кўрсатиш юзасидан тузиладиган шартномага мувофиқ қимматли қоғозлар бозорининг малакали иштирокчиси орқали билдириш хати юбориш ҳуқуқига эга.
32. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:
- жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
  - умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
  - жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;
  - умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;
  - умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриляётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни ва давлат вакилини таништириш тартиби;
  - акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва овоз бериш тартиби.
33. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриляётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Жамият Тафтиш комиссиясининг (Тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг ҳулосаси, Жамиятнинг Кузатув кенгашининг Жамият раҳбари (Бошқарув раиси ёки Бош директор) ва унинг ўринбосарлари билан тузилган шартномаларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномаларни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги ҳулосаси, шунингдек Жамиятнинг Кузатув кенгаши ҳамда Тафтиш комиссияси аъзоллигига (Тафтишчилигига) номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Жамиятнинг Уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки Жамиятнинг янги тахрирдаги Устави

лойихаси, шунингдек Кузатув кенгашининг акциядорлар умумий йиғилиши кун тартиби бўйича муносабати киради.

34. Умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилатганда акциядорларга тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборотнинг (материалларнинг) рўйхати кимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.
35. Жамият овоз берувчи акцияларининг жами энг камида бир фоизи эгаси ҳисобланган акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили яқунлангандан сўнг тўксон кундан кечиктирилмаган муддатда Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартиби бўйича (4-сонли иловада қайд этилган намуна бўйича), шу жумладан фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органлари аъзолигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқига эга, белгиланган тартибда Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилгунга қадар уларни алмаштириш имкониятига эга.
36. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.
37. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзолигига (Тафтишчи) номзодларни кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан мустақил равишда ўз номзоди кўрсатилган ҳолатда, номзоднинг исм-шарифи, унга тегишли акциялар сони ва тури (номзод Жамият акциядори ҳисобланган ҳолатда), шунингдек номзодни кўрсатувчи акциядорлар исм-шарифи (номланиши), уларга тегишли акциялар сони ва тури қайд этилади.
38. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар Жамиятнинг Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига (Тафтишчи лавозимига) сайлов (тайинлов) бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:
  - акциядор (акциядорлар) томонидан мазкур Низомнинг 35-бандида белгиланган муддатга риоя қилинмаган;
  - акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг ушбу Низомнинг 35-бандида назарда тутилган микдордаги овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;
  - агар Жамиятнинг бошқарув ва назорат органларига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ бўлмаса;
  - таклифлар қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.
39. Акциядор (акциядорлар) улар томонидан Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига (Тафтишчисига) кўрсатилган номзодлар рўйхатига Акциядорлар йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабар эълон қилинган санадан бошлаб уч иш кунидан кечиктирилмай ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.
40. Жамият Кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Жамият Кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.



41. Жамият Кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Жамият Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига (Тафтишчи лавозимига) сайлов (тайинлов) бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

**V. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш**

42. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият Кузатув кенгашининг қуйидагилар асосидаги қарори бўйича ўтказилади:
- унинг ўз ташаббуси асосида;
  - Тафтиш комиссиясининг (Тафтишчининг) ёзма талаби;
  - талабнома тақдим қилинган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг энг камида беш фоизи эгаси ҳисобланган акциядор (акциядорлар) талабларига кўра (5-сон иловага мувофиқ).
43. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларини муддатдан олдин бекор қилиш масалалари бўйича Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида талабномалар асослари қуйидагилардан иборат (овоз беришда иштирок этмаган ёки қарорга қарши овоз берган кузатув кенгаши аъзоларидан ташқари):
- Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Жамият Уставига, Акциядорлар умумий йиғилиши қарорларига риоя қилмаслик;
  - Жамиятга зарарлар келтирилиши ва акциядорларнинг мулкый ҳуқуқларига зиён етказилиши, шу жумладан Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти жиддий ёмонлашиши, фойда ва рентабеллиги пасайиши, ишлар ва хизматларнинг реализация қилиниши асоссиз равишда қисқартирилиши билан боғлиқ зарарлар етказилиши.
44. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида талабномаларда йиғилиш кун тартибига киритиладиган масалалар бунинг сабаблари қайд этилган ҳолда ифодаланиши керак. Агар Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатларини муддатдан олдин бекор қилиш тўғрисидаги масала киритилиши билан боғлиқ бўлса, бундай йиғилиш чақириғи тўғрисидаги талабномалар Жамият Кузатув кенгаши ваколатларини муддатдан олдин бекор қилиш тўғрисидаги масаладан ташқари, Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш масалаларини кун тартибига киритиш тўғрисидаги таклифларни ўз ичига олиши керак.
45. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият Тафтиш комиссиясининг (Тафтишчининг) ёки Жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.
46. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чикқан тақдирда, бу талабда умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.
47. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

48. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси (Тафтишчиси) ёки Жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичида Жамият Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.
49. Жамият Тафтиш комиссиясининг (Тафтишчисининг) ёки Жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:
- талаб тақдим этилган санада акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) овоз берувчи акцияларининг беш фоизига эга бўлмаса;
  - кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирмаса;
  - кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.
50. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки бундай йиғилиш чақириғи рад қилиниши тўғрисида Жамият Кузатув кенгашининг асосланган қарори бундай йиғилиш чақириғини талаб қилаётган шахсларга қарор қабул қилинган санадан бошлаб уч иш кунидан кечиктирилмай юборилади.
51. Жамият Кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.
52. Мазкур Низомнинг 48-банди билан белгиланган муддат мобайнида Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки бундай йиғилиш чақириғи рад қилиниши тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолатда Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бундай йиғилиш чақириғини талаб қилаётган шахслар томонидан чақирилиши мумкин.
53. Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамиятнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.
54. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан ёхуд қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолатларда мазкур Низом билан белгиланган тартибда Акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириётган шахс томонидан амалга оширилади.

#### **VI. Акциядорлар умумий йиғилиши қворуми**

55. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (қворумга эга) бўлади.

56. Агар имтиёзли акциялар кун тартибидаги фақат бир ёки бир неча масалалар бўйича овоз берса, йиғилиш кворуми тақдим қилинган оддий акциялар сони бўйича белгиланади, қайд этилган масалалар бўйича овозларни ҳисоблаш эса овоз берувчи оддий ва имтиёзли акцияларнинг умумий сони бўйича амалга оширилади.
57. Йиғилиш бошланишининг белгиланган вақтидан сўнг 120 дақиқадан кўпроқ вақт мобайнида кворум хали йиғилмаган бўлса, Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибининг ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.
58. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.
59. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш мазкур Низом билан белгиланган тартибда амалга оширилади.
60. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йиғирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

## **VII. Акциядорлар умумий йиғилишининг ишчи органлари**

61. Қуйидагилар умумий йиғилиш ишчи органлари ҳисобланади: раёсат, санок комиссияси, котиб (котибият).
62. Акциядорларнинг умумий йиғилиши раёсати (президиуми) ва раиси Акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамият Кузатув кенгаши раиси томонидан, унинг узрли сабаблар бўйича йўқлигида эса – Жамият Кузатув кенгаши аъзоларидан бири томонидан олиб борилади.
63. Акциядорлар умумий йиғилиши раиси йиғилиш раёсатига бошчилик қилади, йиғилиш олиб борилишини таъминлайди ва ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган барча ваколатларга эга бўлади. Акциядорлар умумий йиғилиши раиси йиғилиш раёсатига бошчилик қилади, йиғилиш олиб борилишини таъминлайди ва ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган барча ваколатларга эга бўлади.
64. Умумий йиғилиш раиси акциядорларнинг умумий йиғилишини аудио-видео тасмага ёзиб олиш ва Интернет тармоғида трансляция қилиш масалаларни рухсат бериш (санкция бериш) ҳуқуқига эга.
65. Умумий йиғилиш раиси йиғилиш ўтишига раҳбарлик қилади, ишчи органлари ишини мувофиқлаштиради, масалаларни муҳокама қилиш тартибини белгилайди, маърузачиларнинг нутқ сўзлашлари вақтини чегаралайди, йиғилишни олиб бориш ва овоз бериш бўйича тушунтиришлар беради, залда тартиб ўрнатилишини назорат қилади.
66. Акциядорларнинг умумий йиғилиши раиси умумий йиғилиш баённомасини имзолайди.
67. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

68. Санок комиссияси функцияларини бажариш учун мустақил экспертлар жалб қилинган тақдирда, улар санок комиссияси ишини амалга оширадilar.
69. Санок комиссиясининг таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши керак. Санок комиссияси таркибига Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, Тафтиш комиссиясининг аъзолари (Тафтишчиси), Жамият Ижроия органи, ишончли бошқарувчи, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмас.
70. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «Жамиятнинг битта овоз берувчи акцияси – битта овоз» қондаси бўйича амалга оширилади, Жамият Кузатув кенгаши аъзолари сайловлари бўйича кумулятив овоз бериш ўтказиладиган ҳолатлар бундан мустасно.
71. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш тегишли овоз бериш учун бюллетенлар билан амалга оширилади.
72. Овоз берилганида овоз берувчи қайси масала бўйича эҳтимол тутилган овоз бериш вариантларидан фақат биттасини қолдирган бўлса, ўша масала бўйича берилган овозлар ҳисобга олинади. Мазкур талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.
73. Агар овоз бериш бюллетенида овозга қўйилган бир нечта масала кўрсатилган бўлса, бир ёки бир нечта масалага нисбатан бундан олдинги бандида кўрсатилган талабга риоя этилмаганлиги бюллетеннинг умуман ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлмайди.
74. Овозларни ҳисоблаш, Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок қилиш учун акциядорларни рўйхатдан ўтказиш, шунингдек овоз бериш учун бюллетенлар топшириш учун Жамият Кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси ташкил этилиб, унинг сон ва шахсий таркиби Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.
75. Акциядорлар умумий йиғилишида санок комиссияси қўйидаги функцияларини амалга оширади:
  - реестр асосида акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок қилиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхатини тузади;
  - овоз бериш учун бюллетенларни ва умумий йиғилишнинг бошқа материалларини топширади, топширилган бюллетенлар ҳисобини юритади;
  - умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорларни (уларнинг вакилларини) рўйхатдан ўтказиши;
  - ишончномалар ва улар томонидан бериладиган ҳуқуқлар ҳисобини юритади;
  - овоз бериш бюллетенларини ва умумий йиғилишнинг бошқа материалларини тарқатади;
  - Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилгунга қадар акциядорларга кун тартиби бўйича керакли ахборотни тақдим қилади;
  - акциядорлар умумий йиғилиши кворуми мавжудлигини аниқлайди;
  - акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқини амалга ошириш муносабати билан пайдо бўлувчи масалаларни тушунтиради;
  - овоз беришга қўйилаётган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради;

- овоз беришнинг белгиланган тартибини ва акциядорларнинг овоз беришда катнашиши ҳуқуқини таъминлайди;
- овозларни санайди ва овоз бериш яқунларини чиқаради;
- овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади;
- овоз бериш учун бюллетенларни архивга топширади.

### **VIII. Акциядорлар умумий йиғилишни олиб бориш тартиби**

76. Акциядорлар умумий йиғилишини олиб бориш тартиби (регламент) акциядорларнинг ҳар бир умумий йиғилишида мазкур низомга мувофиқ тасдиқланади.
77. Акциядорлар умумий йиғилишнинг раиси умумий йиғилиш санок комиссиясини, раёсатини ва котибиятни (котибни) сайлашни таклиф этади.
78. Умумий йиғилишни олиб бориш тартиби йиғилишнинг бошланиши ва тахминан тамом бўлиш вақтини, нутқлар қанча давом этиши ва танаффусларни, кун тартибидаги масалаларнинг изчиллигини, кун тартиби масалалари бўйича маърузачиларнинг фамилиялари ва лавозимларини, овоз беришни амалга ошириш ва унинг натижаларини эълон қилиш тартибини назарда тутаяди.
79. Акциядорлар умумий йиғилишида муҳокама қилинаётган масала бўйича йиғилишнинг ҳар бир катнашчиси белгиланган вақт доирасида сўзга чиқиш ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқни таъминлаш акциядорлар умумий йиғилиши раисининг зиммасида бўлади.
80. Акциядорларнинг умумий йиғилишида ижроия органи ва кузатув кенгашининг мукофот ва компенсациялари миқдорини ошқор этади, шунингдек тақсимлашга таклиф этилаётган соф фойда, дивидендлар миқдорининг асосланиши, уларнинг Жамият дивиденд сиёсатига мувофиқлигининг баҳоланишини (зарурат туғилганда соф фойданинг муайян қисмини Жамиятни ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтиришнинг тушунтирилиши ва иқтисодий асосланишини) эълон қилади.
81. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда катнашиш истагини билдирганлар умумий йиғилиш котибиятига муҳокама қилинадиган масалани кўрсатган ҳолда ёзма буюртманомга беришлари лозим.
82. Кун тартибининг барча масалалари муҳокама қилингандан кейин раис акциядорлар умумий йиғилишини ёпиқ деб эълон қилади.
83. Жамият умумий йиғилишида иштирок этувчи шахсга шундай шахс ҳисобидан ўзи тўлдирган бюллетень нусхасини олиш имконини беради.

### **IX. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси**

84. Акциядорлар умумий йиғилиши котибиятининг миқдорий ва шахсий таркиби Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Жамиятнинг Корпоратив консултантлари Акциядорлар умумий йиғилиши котиби сифатида сайланиши (чиқиши) мумкин.
85. Акциядорлар умумий йиғилиши котибияти қуйидагиларни амалга оширади:
  - умумий йиғилиш ўтказилиши жараёнининг баённомасини тузади;
  - ёзма аризалар бўйича кун тартибидаги масалалар муҳокамасида иштирок қилишни истаганлар қайдномаларини юритади;

- умумий йиғилиш тамом бўлгандан сўнг ўн кундан кечиктирмай акциядорлар умумий йиғилиши баёнини икки нусхада тузади.
86. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;
  - жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;
  - умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;
  - умумий йиғилишнинг раиси (раҳбари) ва котиби, йиғилиш кун тартиби;
  - маърузаларнинг асосий мазмуни, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар.
87. Акциядорларнинг умумий йиғилиши видеоконференцалоқа орқали ўтказилган ҳолларда йиғилиш баённомасига ушбу йиғилишнинг видео ёзуви шартли равишда илова қилинади.
88. Санок комиссияси баёни йиғилишнинг махсус қарори билан тасдиқланмайди, балки маълумот учун қабул қилинади ҳамда умумий йиғилиш баённомасига қўшиб қўйилиши керак.
89. Овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузилганидан ва акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси имзоланганидан кейин овоз бериш бюллетенлари санок комиссияси томонидан муҳрланади ҳамда сақлаб қўйиш учун Жамиятнинг архивига топширилади.

#### **Х.Акциядорлар умумий йиғилиши қарорларининг бажарилиши**

90. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари акциядорларга қуйидагича маълум қилинади:
- акциядорлар умумий йиғилиши тугагандан сўнг уларни эълон қилиш;
  - жиддий ҳолат юзага келган санадан бошлаб икки иш куни мобайнида жиддий ҳолат тўғрисида хабардаги маълумотни ошкор қилиш.
91. Жамият акциялари фонд биржаси листингида бўлган ҳолатда, Жамият фонд биржасининг расмий веб-сайтида тааллуқли ахборотни ҳам эълон қилиши шарт.
92. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорлари бажарилиши жараёни устидан назорат, агар қарорда бошқача қайд этилмаган ва йиғилиш баённомасида акс эттирилмаган бўлса, Жамият Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.
93. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорлари Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок қилаётган ва иштирок қилмаётган акциядорларга тегишли қисми бўйича барча акциядорлар томонидан бажарилиши шарт.

Акциядорлар умумий йиғилиши  
тўғрисидаги Низомга  
1-сонли ИЛОВА

201\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_ да ўтказиладиган Акциядорлик жамиятининг  
Акциядорлар навбатдаги (навбатдан ташқари) умумий йиғилиши  
ҚАЙД ЭТИШ РЎЙХАТИ

т/р	Ф.И.Ш. (акциядор номланиши)	Овоз берувчи акциялар сони	Акциядор имзоси	Вакил мавжуд бўлган ҳолатда тўлдирилади				
				Вакилнинг Ф.И.Ш.	Ваколатнома рақами	Ваколатнома берилган сана	Овоз берувчи акциялар сони	Вакилнинг имзоси
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Акциядорлар умумий йиғилишининг жами \_\_\_\_\_ дона овоз берувчи  
акцияларга эга жами рўйхатдан ўтказилган иштирокчилари \_\_\_\_\_ киши.

Кворум мавжудлиги (озов берувчи акциялар умумий сонидан фоизларда)  
\_\_\_\_\_ %.

Санок комиссияси аъзолари:

\_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.  
(имзо)

\_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.  
(имзо)

\_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.  
(имзо)

Акциядорлар умумий йиғилиши  
тўғрисидаги Низомга  
2-сонли ИЛОВА

“ \_\_\_\_\_ ”-сонли БЮЛЛЕТЕНЬ\*

20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_ да “\_\_\_\_\_” Акциядорлик жамиятининг \_\_\_\_\_ манзил бўйича ўтказиладиган Акциядорларнинг йиллик (навбатдан ташқари) умумий йиғилишида овоз бериш учун \_\_\_\_\_ дона овоз берувчи акцияларга эга юридик шахс акциядорнинг тўлик номланиши (жисмоний шахс акциядорнинг Ф.И.Ш.) \_\_\_\_\_, йиғилиш ўтказиладиган сана: соат \_\_: \_\_ да.

Кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш учун овозлар сони: \_\_\_\_\_

Кун тартиби масалалари бўйича овоз беришда қуйидаги овоз бериш вариантларидан бирини танлаш керак: “ҳа”, “қарши” ёки “бетараф” (вариантларни танлаш усуллари: Х, ✓ ёки муайян катакчага овозлар сонини ёзиб қўйиш), Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш масаласи бўйича овоз бериш бундан мустасно.

т/р	Овоз бериш учун қўйилган масаланинг ифодаланиши	Ҳа	Қарши	Бетараф

Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш масаласи бўйича овоз бериш учун овозлар сони (Сизга тегишли овозлар сонини Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланадиган шахслар сонига қўпайтириш керак): \_\_\_\_\_.

Бунда Сиз шундай тарзда олинган овозларни бир номзод учун тўлик беришингиз ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашингиз мумкин.

т/р	Овоз бериш учун қўйилган масаланинг ифодаланиши:		Ҳа (Кузатув кенгаши аъзолигига номзод учун берилган овозлар сони)
	Кузатув кенгаши аъзолигига номзоднинг Ф.И.Ш.	Кузатув кенгаши аъзолигига номзод тўғрисидаги маълумотлар	

Фамилия, исм-шарифи \_\_\_\_\_  
(имзо)

Овоз бериш учун бюллетень акциядор (унинг вакили) томонидан имзоланиши керак.

\* Қайд этиш рўйхати бўйича акциядор рақами кўрсатилади.



Акциядорлар умумий йиғилиши  
тўғрисидаги Низомга  
3-сонли ИЛОВА

“\_\_\_\_\_” Акциядорлик жамиятининг Акциядорлар йиллик  
(навбатдан ташқари) умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида

**БИЛДИРИШ ХАТИ**

Хурматли \_\_\_\_\_,  
“\_\_\_\_\_” Акциядорлик жамияти (жойлашган  
манзили: \_\_\_\_\_, алоқа боғлаш телефони: \_\_\_\_\_) Сизга шуни хабар  
қиладики, 20\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ да соат\_\_ : \_\_ да \_\_\_\_\_ манзили  
бўйича Акциядорлик жамиятимизнинг Акциядорлар йиллик (навбатдан ташқари)  
умумий йиғилишини ўтказилади.

Акциядорлар йиллик (навбатдан ташқари) умумий йиғилишида иштирок қилиш  
ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 20\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги ҳолат бўйича  
шакллантирилган акциядорлар реестри асосида тузилади.

Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок қиладиган акциядорларни рўйхатдан  
ўтказиш соат\_\_ : \_\_ да бошланади ва соат\_\_ : \_\_ гача давом эттирилади.

Сизга Акциядорлар йиллик (навбатдан ташқари) умумий йиғилишининг қуйидаги  
кун тартибини маълум қиламиз:

- 1.
- 2.
- 3.

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши даврида Сиз Акциядорлар умумий  
йиғилишининг қуйидаги материаллари билан танишиб чиқишингиз мумкин:

- 1.
- 2.
- 3.

Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок қилиш учун акциядорлар ўзларида  
паспортга, акциядорлар вакиллари эса – ЎзР қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ  
расмийлаштирилган (жисмоний шахслар учун – нотариал тасдиқланган, юридик  
шахслар учун – мазкур юридик шахс томонидан берилган) ваколатномага эга бўлишлари  
керак.

“\_\_\_\_\_” АЖ  
Кузатув кенгаши

Акциядорлар умумий йиғилиши  
тўғрисидаги Низомга  
4-сонли ИЛОВА

“ \_\_\_\_\_ ” АЖ

Акциядор \_\_\_\_\_ нинг  
Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига масала киритиш тўғрисидаги

**ТАКЛИФИ**

Тегишли акциялар сони:

\_\_\_\_\_ дона оддий акция;

\_\_\_\_\_ дона имтиёзли акция.

Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритиладиган масаланинг  
ифодаланиши (унинг кун тартибига киритилиш сабаблари кўрсатилади):

---

---

---

---

Кузатув кенгаши аъзолигига кўрсатиладиган номзодлар (Ф.И.Ш., иш жойи,  
лавозими, номзодга тегишли АЖ акциялари сони, турлар бўйича ажратилган):

---

---

---

Тафтиш комиссияси аъзолигига кўрсатиладиган номзодлар (Ф.И.Ш., иш жойи,  
лавозими, номзодга тегишли АЖ акциялари сони, турлар бўйича ажратилган):

---

---

---

Ижроия органига кўрсатиладиган номзодлар (Ф.И.Ш., иш жойи, лавозими,  
номзодга тегишли АЖ акциялари сони, турлар бўйича ажратилган):

---

---

---

Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (имзо, сана)

Акциядорлар умумий йиғилиши  
тўғрисидаги Низомга  
5-сонли ИЛОВА

“ \_\_\_\_\_ ” АЖ

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида

**ТАЛАБНОМА**

Йиғилиш чақирилишини талаб қилаётган шахс Ф.И.Ш. (номланиши):  
\_\_\_\_\_ (Тафтиш комиссияси аъзоси томонидан талабнома бериладиган ҳолатда, бу  
хам ушбу устунда акс эттирилиши керак).

Тегишли акциялар сони (талабнома акциядор томонидан берилган ҳолатда  
тўлдирилади):

\_\_\_\_\_ дона оддий акция;  
\_\_\_\_\_ дона имтиёзли акция.

Талабнома мазмуни (Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини  
чақириш сабаблари ифодаланади):

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритиладиган масаланинг  
ифодаланиши (унинг кун тартибига киритилиш сабаблари кўрсатилади):

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Кузатув кенгаши аъзолигига кўрсатиладиган номзодлар (Ф.И.Ш., иш жойи,  
лавозими, номзодга тегишли АЖ акциялари сони, турлар бўйича ажратилган):

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (имзо, сана)

«EUROASIA INSURANCE» АЖ  
акциядорлари умумий йиғилишининг  
2022 йил 17 августдаги қарори билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»

.....  
ишга раиси Б.Шадиев



**«EUROASIA INSURANCE»** акциядорлик жамияти  
акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги

**НИЗОМИ**

## **I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом «EUROASIA INSURANCE» акциядорлик жамияти шаклидаги қўшма корхонасининг (кейинги ўринларда – «Жамият») акциядорлари умумий йиғилишининг ҳуқуқий мақомини, унинг фаолият тартибини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини ва қарорлар қабул қилиш тартиб-таомилини белгилайди.
2. Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, (бундан буён – «Қонун») «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги 176-сонли «Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда Жамият Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.
3. Акциядорлар Умумий йиғилиши Жамиятнинг олий бошқарув органидир.
4. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши ҳар йили одатда июнь ойининг тўртинчи ҳафтасида ўтказилади. (У-71)
5. Акциядорлар йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Тафтишчини (тафтиш комиссиясини) сайлаш, Ижроия органи раҳбари ва унинг ўринбосарлари билан тузилган шартнома муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги масалалар ҳал қилинади, шунингдек Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Ижроия органи ва Кузатув кенгашининг Жамиятни ривожлантириш стратегияси ва бизнес режаси ижроси юзасидан кўрилатган чор-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлар ҳамда бошқа ҳужжатлар кўриб чиқилади.
6. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.
7. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.
8. Жамиятнинг барча оддий акциялари битта акциядорга тегишли бўлганда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. Қонун, Жамият Устави ва мазкур Низом билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши керак, жамиятнинг имтиёзли акциялари ушбу Қонунга мувофиқ овоз бериш ҳуқуқини олиши ҳоллари бундан мустасно. Бунда акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгиловчи қоидалари қўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига тааллуқли қоидалар бундан мустасно.

## **II. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари ва қарорларни қабул қилиш**

9. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:
  - 9.1. Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
  - 9.2. Жамиятни қайта ташкил этиш;

- 9.3. Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- 9.4. Жамият Кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар кўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- 9.5. Жамиятнинг эълон қилинган акцияларининг энг кўп миқдорини белгилаш;
- 9.6. Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш;
- 9.7. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш;
- 9.8. Жамиятнинг жойлаштирилган акцияларини сотиб олиш;
- 9.9. Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, унинг раҳбарини (Бошқарув раисини ёки Бош директорни) сайлаш (тайинлаш), Жамият раҳбарининг ўринбосарларини сайлаш (тайинлаш), агар лозим бўлса, Жамият Ижроия органи вакиллари лавозими учун танлов ўтказилганда ғолиб чиққан номзодни сайлаш (тайинлаш), аввал сайланган (тайинланган) Жамият раҳбари ва унинг ўринбосарлари билан тузилган меҳнат шартномаларини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш ва/ёки уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно;
- 9.10. Жамият тафтишчисини (тафтиш комиссиясининг аъзоларини) сайлаш ва унинг (уларнинг) ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтишчи (тафтиш комиссияси) тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш;
- 9.11. Жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
- 9.12. Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- 9.13. Жамият Кузатув кенгашининг ва тафтишчиси (тафтиш комиссиясининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтишчининг (тафтиш комиссиясининг) хулосаларини эшитиш;
- 9.14. Имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Қонунининг 35-моддасида ва Жамият Уставида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;
- 9.15. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- 9.16. Акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- 9.17. Қонуннинг 8-бобига мувофиқ, Жамият томонидан баланс қиймати ёки харид қилиш қиймати тегишли битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган санада Жамият соф активлари миқдоридан эллик фоиздан ортиқ суммани ташкил қиладиган мулк бўйича йирик битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 9.18. Қонуннинг 9-бобига мувофиқ, Жамиятнинг аффилланган шахси билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 9.19. Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятларини қабул қилиш ва хабар бериш шаклларини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- 9.20. Ички назорат, дивиденд сиёсати, манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;
- 9.21. Мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес жараёнлар ва лойиҳалар Жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги ҳар йиллик таҳлилини ўтказиш бўйича қарор қабул қилиш;
- 9.22. Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш;
- 9.23. Ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдамни Ижроия органига бериш ва энг кўп миқдорларини белгилаш;
- 9.24. Электрон почта бўйича (электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш орқали), шунингдек ўз ваколатларини вакилга бериш ёки видео-конференц-алоқа режимида умумий йиғилиш ўтказиш орқали овоз бериш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
- 9.25. Санок комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни жалб этиш (масалан, инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қоҳозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
- 9.26. Миноритар акциядорлар қўмитасини (миноритар акциядорлар қўмитаси ташкил қилинган ҳолатда) Жамият маблағлари ҳисобига таъминлаш учун харажатларни қоплаш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
- 9.27. Акциядорлар умумий йиғилишида ҳисобот берадиган Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари маърузаси (ҳисоботи) шакли ва мазмунига талабларни белгилаш, умумий йиғилиш фаолиятини белгилаш;
- 9.28. Аудиторлик текшируви ўтказиш (шу жумладан, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларни ташқи аудиторлик текшируви бўйича) ва унинг хизматлари учун тўландиган энг юқори ҳақ миқдорини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 9.29. Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексида мувофиқ Корпоратив бошқарув Кодексининг тавсияларини бажармаслик ёки Корпоратив бошқарув Кодексида назарда тутилган ахборотни ошқор этмаганлиги учун жамият мансабдор шахсларига нисбатан жавобгарлик чораларини белгилаш;
- 9.30. белгиланган тартибда жамият йиллик бизнес-режасини тасдиқлайди;
- 9.31. Жамият Кузатув кенгаши томонидан тузилган санок комиссияси аъзолари ва сонини тасдиқлайди;
- 9.32. қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қилиш.
10. Акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиниши учун Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Ижроия органига берилиши мумкин эмас.

### **III. Акциядорлар умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқи.**

#### **Акциядорларни ва уларнинг ваколатли вакилларини рўйхатдан ўтказиш**

11. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.
12. Жамият акциядорининг талабига кўра акциядорга у акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

13. Акциядорлар умумий йиғилишида Жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар иштирок қилиш ҳуқуқига эгалар, уларнинг ваколатли вакиллари, санок комиссияси, ички аудит хизмати ходимлари, аудиторлик текширувини ўтказган аудиторлик ташкилоти вакили, Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари, Ижроия органи, Тафтишчи (Тафтиш комиссияси аъзолари), шунингдек миноритар акциядорлар қўмитаси вакили (мавжуд бўлган ҳолатда) ва бошқалар Акциядорлар умумий йиғилиши Раисининг таклифи бўйича иштирок қилиш ҳуқуқига эга бўладилар.
14. Жамиятнинг Ижроия органи аъзолари, Кузатув кенгаши ва Тафтишчиси (Тафтиш комиссияси вакиллари), шунингдек аудиторлик ташкилоти вакиллари Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида ўз органлари ҳисоботлари билан шахсан иштирок қилишлари керак.
15. Жамиятнинг Кузатув кенгаши, Тафтишчи (Тафтиш комиссияси) лавозимига ва Жамият Ижроия органи лавозимларига номзодлар Акциядорлар умумий йиғилишида ўз номзодлари кўриб чиқилишида иштирок қилишлари мумкин.
16. Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари йиғилиш ўтказилиши тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган жой ва вақт бўйича белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишлари керак.
17. Агар конунчиликда ўзгача қоида белгиланган бўлмаса акциядорнинг, шу жумлада акциядорлик битишув тузган акциядорларнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортга ёки идентификацияловчи ID-картасига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс ҳисобланган акциядор томонидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс ҳисобланган акциядор номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган ҳолда берилади.
18. Акциядор исталган вақтда Акциядорлар умумий йиғилишидаги ўз вакилини алмаштириш ёки ушбу йиғилишда шахсан иштирок қилиш ҳуқуқига эга.
19. Умумий йиғилишда қатнашиш учун келган жисмоний шахслар бўлган акциядорларни рўйхатдан ўтказиш паспорт ёки акциядорнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат кўрсатилгач, вакилга нисбатан эса нотариал тартибда тасдиқланган (агарда ишончнома юридик шахс томонидан берилган бўлса, ўша юридик шахс раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган) ишончнома кўрсатилгач амалга оширилади.
20. Жамият акциядори юридик шахс бўлса, унда ушбу юридик шахснинг раҳбари вакил тайинламасдан, бевосита ўзи иштирок этиши ва акциядорларнинг умумий йиғилишдаги ўз ваколатларини лавозимга тайинлаш тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжат ҳамда шахсни тасдиқловчи ҳужжат асосида амалга оширади.
21. Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш учун акциядорларни рўйхатдан ўтказиш Жамият акциядорлари реестрига биноан биринчи иловада келтирилган шакл бўйича Қайд этиш рўйхати тузилади.
22. Қайд этиш рўйхати жузланган, тартиб рақами қўйилган, ип ўтказиб тикилган ва Жамият муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.



23. Умумий йиғилишни ўтказишда акциядорлар (уларнинг вакиллари) қайд этиш рўйхатига имзо чекадилар ва Жамият акциядорлари реестри маълумотлари бўйича белгиланган ҳар бир акциядорнинг овоз берувчи акциялари сонидан келиб чиқиб овоз бериш бюллетенини оладилар (бюллетен намунаси иккинчи иловада келтирилган).
24. Агар йиғилиш қатнашчиси бир ёки бир неча акциядорнинг манфаатларини ифодалашга ишончнома тақдим этса, у ҳолда унга у ифодалаётган акциядор (акциядорлар) учун овоз беришга бюллетен берилади, қайд этиш рўйхатида эса у ифодалаётган акциядорнинг фамилияси қаршисига « \_\_\_\_\_ та (соли) овоз берувчи акциялар бўйича « \_\_\_\_\_ » да берилган ишончнома бўйича» деган ёзув қайд этилади ҳамда вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

#### **IV. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш**

25. Акциядорлар умумий йиғилишини мазкур Низомнинг 3-бандида белгиланган муддатда сифатли тайёрлаш ва ўтказиш учун Ижроия органи корпоратив консультант (мавжуд бўлган ҳолатда) билан биргаликда қуйидагиларни амалга оширади:
- жамиятнинг Кузатув кенгаши қарори билан танланган аудиторлик ташкилотлари билан аудиторлик текширувини ўтказиш, шу жумладан Молиявий ҳисоботнинг халқаростандартларига мувофиқ молиявий ҳисобот тайёрлаш, Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудит ташкил қилиш бўйича шартномалар тузади, ушбу шартномаларда текширув якунланишининг аниқ муддатлари кўрсатилади;
  - халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудит ўтказилгандан сўнг йиллик умумий йиғилиш ўтказиладиган санагача икки ҳафтадан кичиктирилмай Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тузилган ҳар йилги молиявий ҳисобот эълон қилинишини таъминлайди.
26. Жамият Ижроия органи қуйидагиларни ишлаб чиқади (тайёрлайди):
- акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тартиби (регламенти) лойиҳалари, ҳар бир йўналиш бўйича асослар илова қилинган ҳолда соф фойда тақсимланиши (зарарлар ўрни қопланиши) ва Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан кўриб чиқиладиган бошқа ҳужжатлар, шунингдек санок комиссиясини ташкил қилиш бўйича таклифлар. Акциядорлар йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритиш учун акциядорлар томонидан келиб тушган таклифларни, шу жумладан Жамиятнинг Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига (тафтишчи сифатида) кўрсатилган номзодлар тўғрисидаги ахборотни ва бошқа маълумотларни умумлаштиради;
  - Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва йиллик бизнес-режаси, шунингдек Жамиятнинг ўрта муддатли ва узоқ муддатли даврдаги ривожланиш стратегияси лойиҳаси, Жамиятнинг асосий йўналишлари ва мақсадларига асосланиб унинг аниқ муддатлари белгиланади;
  - бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисида ва Жамиятнинг ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича кўриладиган чоралар тўғрисидаги ижроия орган ҳисоботи, аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш бўйича танлов ўтказиш ва ҳ.к.
27. Ижроия органи мазкур Низомнинг 30-бандида қайд этилган материаллар ишлаб чиқилгандан (тайёрлангандан) сўнг уларни Жамиятнинг Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун киритади.
28. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда Кузатув кенгаши қуйидагиларни белгилайди:

- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;
  - умумий йиғилишнинг кун тартибини;
  - умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;
  - умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга ва давлат вакилига хабар қилиш тартибини;
  - умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриляётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;
  - овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.
29. Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказиладиган сана ушбу йиғилиш ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўн кундан олдин ва ўттиз кундан кейин белгиланиши мумкин эмас.
30. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказиладиган санагача етти кундан кечиктирилмай, бироқ ўттиз кундан олдин бўлмаган муддатда Жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта бўйича юборилади (3-сонли иловага мувофиқ).
31. Жамият акциядорга мустақил равишда ёки Жамият ва қимматли қоғозлар бозорининг малакали иштирокчиси ўртасида тааллуқли хизматлар кўрсатиш юзасидан тузиладиган шартномага мувофиқ қимматли қоғозлар бозорининг малакали иштирокчиси орқали билдириш хати юбориш ҳуқуқига эга.
32. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:
- жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
  - умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
  - жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;
  - умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;
  - умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриляётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни ва давлат вакилини таништириш тартиби;
  - акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва овоз бериш тартиби.
33. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриляётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Жамият Тафтиш комиссиясининг (Тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, Жамиятнинг Кузатув кенгашининг Жамият раҳбари (Бошқарув раиси ёки Бош директор) ва унинг ўринбосарлари билан тузилган шартномаларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномаларни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосаси, шунингдек Жамиятнинг Кузатув кенгаши ҳамда Тафтиш комиссияси аъзолигига (Тафтишчилигига) номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Жамиятнинг Уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави

лойихаси, шунингдек Кузатов кенгашининг акциядорлар умумий йиғилиши кун тартиби бўйича муносабати киради.

34. Умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилатганда акциядорларга тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборотнинг (материалларнинг) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.
35. Жамият овоз берувчи акцияларининг жами энг камида бир фоизи эгаси ҳисобланган акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили яқунлангандан сўнг тўқсон кундан кечиктирилмаган муддатда Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартиби бўйича (4-сонли иловада қайд этилган намуна бўйича), шу жумладан фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органлари аъзолигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқига эга, белгиланган тартибда Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилгунга қадар уларни алмаштириш имкониятига эга.
36. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.
37. Жамиятнинг Кузатов кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзолигига (Тафтишчи) номзодларни кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан мустақил равишда ўз номзоди кўрсатилган ҳолатда, номзоднинг исм-шарифи, унга тегишли акциялар сони ва тури (номзод Жамият акциядори ҳисобланган ҳолатда), шунингдек номзодни кўрсатувчи акциядорлар исм-шарифи (номланиши), уларга тегишли акциялар сони ва тури қайд этилади.
38. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар Жамиятнинг Кузатов кенгашига ва Тафтиш комиссиясига (Тафтишчи лавозимига) сайлов (тайинлов) бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:
  - акциядор (акциядорлар) томонидан мазкур Низомнинг 35-бандида белгиланган муддатга риоя қилинмаган;
  - акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг ушбу Низомнинг 35-бандида назарда тутилган микдордаги овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;
  - агар Жамиятнинг бошқарув ва назорат органларига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ бўлмаса;
  - таклифлар қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.
39. Акциядор (акциядорлар) улар томонидан Жамиятнинг Кузатов кенгаши ва Тафтиш комиссиясига (Тафтишчисига) кўрсатилган номзодлар рўйхатига Акциядорлар йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабар эълон қилинган санадан бошлаб уч иш кунидан кечиктирилмай ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.
40. Жамият Кузатов кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Жамият Кузатов кенгашига ва тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асосланган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

41. Жамият Кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Жамият Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига (Тафтишчи лавозимига) сайлов (тайинлов) бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

**V. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш**

42. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият Кузатув кенгашининг қуйидагилар асосидаги қарори бўйича ўтказилади:
- унинг ўз ташаббуси асосида;
  - Тафтиш комиссиясининг (Тафтишчининг) ёзма талаби;
  - талабнома тақдим қилинган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг энг камида беш фоизи эгаси ҳисобланган акциядор (акциядорлар) талабларига кўра (5-сон иловага мувофиқ).
43. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларини муддатдан олдин бекор қилиш масалалари бўйича Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида талабномалар асослари қуйидагилардан иборат (овоз беришда иштирок этмаган ёки қарорга қарши овоз берган кузатув кенгаши аъзоларидан ташқари):
- Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Жамият Уставига, Акциядорлар умумий йиғилиши қарорларига риоя қилмаслик;
  - Жамиятга зарарлар келтирилиши ва акциядорларнинг мулкӣ ҳуқуқларига зиён етказилиши, шу жумладан Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти жиддий ёмонлашиши, фойда ва рентабеллиги пасайиши, ишлар ва хизматларнинг реализация қилиниши асоссиз равишда қисқартирилиши билан боғлиқ зарарлар етказилиши.
44. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида талабномаларда йиғилиш кун тартибига киритиладиган масалалар бунинг сабаблари қайд этилган ҳолда ифодаланиши керак. Агар Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиритиш Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатларини муддатдан олдин бекор қилиш тўғрисидаги масала киритилиши билан боғлиқ бўлса, бундай йиғилиш чақиритиш тўғрисидаги талабномалар Жамият Кузатув кенгаши ваколатларини муддатдан олдин бекор қилиш тўғрисидаги масаладан ташқари, Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш масалаларини кун тартибига киритиш тўғрисидаги таклифларни ўз ичига олиши керак.
45. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият Тафтиш комиссиясининг (Тафтишчининг) ёки Жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақиритилган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгаришлар киритишга ҳақли эмас.
46. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиритиш тўғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чиққан тақдирда, бу талабда умумий йиғилишни чақиритишни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.
47. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиритиш тўғрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиритишни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

48. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси (Тафтишчиси) ёки Жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизга эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичида Жамият Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.
49. Жамият Тафтиш комиссиясининг (Тафтишчисининг) ёки Жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизга эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:
- талаб тақдим этилган санада акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) овоз берувчи акцияларининг беш фоизга эга бўлмаса;
  - кун тартибига киритиш учун тақлиф этилган масалалардан бирортаси ҳам акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирмаса;
  - кун тартибига киритиш учун тақлиф этилган масала қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.
50. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки бундай йиғилиш чақириғи рад қилиниши тўғрисида Жамият Кузатув кенгашининг асосланган қарори бундай йиғилиш чақириғини талаб қилаётган шахсларга қарор қабул қилинган санадан бошлаб уч иш кунидан кечиктирилмай юборилади.
51. Жамият Кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.
52. Мазкур Низомнинг 48-банди билан белгиланган муддат мобайнида Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки бундай йиғилиш чақириғи рад қилиниши тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолатда Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бундай йиғилиш чақириғини талаб қилаётган шахслар томонидан чақирилиши мумкин.
53. Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамиятнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.
54. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан ёхуд қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолатларда мазкур Низом билан белгиланган тартибда Акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириётган шахс томонидан амалга оширилади.

#### **VI. Акциядорлар умумий йиғилиши қворуми**

55. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштираётган этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (қворумга эга) бўлади.

56. Агар имтиёзли акциялар кун тартибидаги фақат бир ёки бир неча масалалар бўйича овоз берса, йиғилиш кворуми тақдим қилинган оддий акциялар сони бўйича белгиланади, қайд этилган масалалар бўйича овозларни ҳисоблаш эса овоз берувчи оддий ва имтиёзли акцияларнинг умумий сони бўйича амалга оширилади.
57. Йиғилиш бошланишининг белгиланган вақтидан сўнг 120 дақиқадан кўпроқ вақт мобайнида кворум ҳали йиғилмаган бўлса, Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибининг ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.
58. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.
59. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш мазкур Низом билан белгиланган тартибда амалга оширилади.
60. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

## **VII. Акциядорлар умумий йиғилишининг ишчи органлари**

61. Қуйидагилар умумий йиғилиш ишчи органлари ҳисобланади: раёсат, санок комиссияси, котиб (котибият).
62. Акциядорларнинг умумий йиғилиши раёсати (президиуми) ва раиси Акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамият Кузатув кенгаши раиси томонидан, унинг узрли сабаблар бўйича йўқлигида эса – Жамият Кузатув кенгаши аъзоларидан бири томонидан олиб борилади.
63. Акциядорлар умумий йиғилиши раиси йиғилиш раёсатига бошчилик қилади, йиғилиш олиб борилишини таъминлайди ва ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган барча ваколатларга эга бўлади. Акциядорлар умумий йиғилиши раиси йиғилиш раёсатига бошчилик қилади, йиғилиш олиб борилишини таъминлайди ва ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган барча ваколатларга эга бўлади.
64. Умумий йиғилиш раиси акциядорларнинг умумий йиғилишини аудио-видео тасмага ёзиб олиш ва Интернет тармоғида трансляция қилиш масалаларни руҳсат бериш (санкция бериш) ҳуқуқига эга.
65. Умумий йиғилиш раиси йиғилиш ўтишига раҳбарлик қилади, ишчи органлари ишини мувофиқлаштиради, масалаларни муҳокама қилиш тартибини белгилайди, маърузачиларнинг нутқ сўзлашлари вақтини чегаралайди, йиғилишни олиб бориш ва овоз бериш бўйича тушунтиришлар беради, залда тартиб ўрнатилишини назорат қилади.
66. Акциядорларнинг умумий йиғилиши раиси умумий йиғилиш баённомасини имзолайди.
67. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

68. Санок комиссияси функцияларини бажариш учун мустақил экспертлар жалб қилинган тақдирда, улар санок комиссияси ишини амалга оширадидлар.
69. Санок комиссиясининг таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши керак. Санок комиссияси таркибига Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, Тафтиш комиссиясининг аъзолари (Тафтишчиси), Жамият Ижроия органи, ишончли бошқарувчи, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмас.
70. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «Жамиятнинг битта овоз берувчи акцияси – битта овоз» қондаси бўйича амалга оширилади, Жамият Кузатув кенгаши аъзолари сайловлари бўйича кумулятив овоз бериш ўтказиладиган ҳолатлар бундан мустасно.
71. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш тегишли овоз бериш учун бюллетенлар билан амалга оширилади.
72. Овоз берилганида овоз берувчи қайси масала бўйича эҳтимол тутилган овоз бериш вариантларидан фақат биттасини қолдирган бўлса, ўша масала бўйича берилган овозлар ҳисобга олинади. Мазкур талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.
73. Агар овоз бериш бюллетенида овозга қўйилган бир нечта масала кўрсатилган бўлса, бир ёки бир нечта масалага нисбатан бундан олдинги бандида кўрсатилган талабга риоя этилмаганлиги бюллетеннинг умуман ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлмайди.
74. Овозларни ҳисоблаш, Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок қилиш учун акциядорларни рўйхатдан ўтказиш, шунингдек овоз бериш учун бюллетенлар топшириш учун Жамият Кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси ташкил этилиб, унинг сон ва шахсий таркиби Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.
75. Акциядорлар умумий йиғилишида санок комиссияси қуйидаги функцияларини амалга оширади:
  - реестр асосида акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок қилиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхатини тузади;
  - овоз бериш учун бюллетенларни ва умумий йиғилишнинг бошқа материалларини топширади, топширилган бюллетенлар ҳисобини юритади;
  - умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорларни (уларнинг вакилларини) рўйхатдан ўтказиши;
  - ишончномалар ва улар томонидан бериладиган ҳуқуқлар ҳисобини юритади;
  - овоз бериш бюллетенларини ва умумий йиғилишнинг бошқа материалларини тарқатади;
  - Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилгунга қадар акциядорларга кун тартиби бўйича керакли ахборотни тақдим қилади;
  - акциядорлар умумий йиғилиши кворуми мавжудлигини аниқлайди;
  - акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқини амалга ошириш муносабати билан пайдо бўлувчи масалаларни тушунтиради;
  - овоз беришга қўйилаётган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради;

- овоз беришнинг белгиланган тартибини ва акциядорларнинг овоз беришда қатнашиши ҳуқуқини таъминлайди;
- овозларни санайди ва овоз бериш яқунларини чиқаради;
- овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади;
- овоз бериш учун бюллетенларни архивга топширади.

### **VIII. Акциядорлар умумий йиғилишни олиб бориш тартиби**

76. Акциядорлар умумий йиғилишини олиб бориш тартиби (регламент) акциядорларнинг ҳар бир умумий йиғилишида мазкур низомга мувофиқ тасдикланади.
77. Акциядорлар умумий йиғилишнинг раиси умумий йиғилиш санок комиссиясини, раёсатини ва котибиятни (котибни) сайлашни таклиф этади.
78. Умумий йиғилишни олиб бориш тартиби йиғилишнинг бошланиши ва тахминан тамом бўлиш вақтини, нутқлар қанча давом этиши ва танаффусларни, кун тартибидаги масалаларнинг изчиллигини, кун тартиби масалалари бўйича маърузачиларнинг фамилиялари ва лавозимларини, овоз беришни амалга ошириш ва унинг натижаларини эълон қилиш тартибини назарда тутаяди.
79. Акциядорлар умумий йиғилишида муҳокама қилинаётган масала бўйича йиғилишнинг ҳар бир қатнашчиси белгиланган вақт доирасида сўзга чиқиш ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқни таъминлаш акциядорлар умумий йиғилиши раисининг зиммасида бўлади.
80. Акциядорларнинг умумий йиғилишида ижроия органи ва кузатув кенгашининг мукофот ва компенсациялари миқдорини ошқор этади, шунингдек тақсимлашга таклиф этилаётган соф фойда, дивидендлар миқдорининг асосланиши, уларнинг Жамият дивиденд сиёсатида мувофиқлигининг баҳоланишини (зарурат туғилганда соф фойданинг муайян қисмини Жамиятни ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтиришнинг тушунтирилиши ва иқтисодий асосланишини) эълон қилади.
81. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда қатнашиш истагини билдирганлар умумий йиғилиш котибиятига муҳокама қилинадиган масалани кўрсатган ҳолда ёзма буюртманомга беришлари лозим.
82. Кун тартибининг барча масалалари муҳокама қилингандан кейин раис акциядорлар умумий йиғилишини ёпиқ деб эълон қилади.
83. Жамият умумий йиғилишида иштирок этувчи шахсга шундай шахс ҳисобидан ўзи тўлдирган бюллетень нусхасини олиш имконини беради.

### **IX. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси**

84. Акциядорлар умумий йиғилиши котибиятининг миқдорий ва шахсий таркиби Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдикланади. Жамиятнинг Корпоратив консултантлари Акциядорлар умумий йиғилиши котиби сифатида сайланиши (чиқиши) мумкин.
85. Акциядорлар умумий йиғилиши котибияти қуйидагиларни амалга оширади:
  - умумий йиғилиш ўтказилиши жараёнининг баённомасини тузади;
  - ёзма аризалар бўйича кун тартибидаги масалалар муҳокамасида иштирок қилишни истаганлар кайдномаларини юритади;



- умумий йиғилиш тамом бўлгандан сўнг ўн кундан кечиктирмай акциядорлар умумий йиғилиши баёнини икки нусхада тузади.
86. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;
  - жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;
  - умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;
  - умумий йиғилишнинг раиси (рахбари) ва котиби, йиғилиш кун тартиби;
  - маърузаларнинг асосий мазмуни, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар.
87. Акциядорларнинг умумий йиғилиши видеоконференцалоқа орқали ўтказилган ҳолларда йиғилиш баённомасига ушбу йиғилишнинг видео ёзуви шартли равишда илова қилинади.
88. Санок комиссияси баёни йиғилишнинг махсус қарори билан тасдиқланмайди, балки маълумот учун қабул қилинади ҳамда умумий йиғилиш баённомасига қўшиб қўйилиши керак.
89. Овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузилганидан ва акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси имзоланганидан кейин овоз бериш бюллетенлари санок комиссияси томонидан муҳрланади ҳамда сақлаб қўйиш учун Жамиятнинг архивига топширилади.

#### **Х.Акциядорлар умумий йиғилиши қарорларининг бажарилиши**

90. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари акциядорларга қуйидагича маълум қилинади:
- акциядорлар умумий йиғилиши тугагандан сўнг уларни эълон қилиш;
  - жиддий ҳолат юзага келган санадан бошлаб икки иш куни мобайнида жиддий ҳолат тўғрисида хабардаги маълумотни ошқор қилиш.
91. Жамият акциялари фонд биржаси листингида бўлган ҳолатда, Жамият фонд биржасининг расмий веб-сайтида тааллуқли ахборотни ҳам эълон қилиши шарт.
92. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорлари бажарилиши жараёни устидан назорат, агар қарорда бошқача қайд этилмаган ва йиғилиш баённомасида акс этирилмаган бўлса, Жамият Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.
93. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорлари Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок қилаётган ва иштирок қилмаётган акциядорларга тегишли қисми бўйича барча акциядорлар томонидан бажарилиши шарт.

Акциядорлар умумий йиғилиши  
 тўғрисидаги Низомга  
 1-сонли ИЛОВА

201\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_ да ўтказиладиган Акциядорлик жамиятининг  
 Акциядорлар навбатдаги (навбатдан ташқари) умумий йиғилиши  
**ҚАЙД ЭТИШ РЎЙХАТИ**

т/р	Ф.И.Ш. (акциядор номлашиши)	Овоз берувчи акциялар сони	Акциядор имзоси	Вакил мавжуд бўлган ҳолатда тўлдирилади				
				Вакилнинг Ф.И.Ш.	Ваколатнома рақами	Ваколатнома берилган сана	Овоз берувчи акциялар сони	Вакилнинг имзоси
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Акциядорлар умумий йиғилишининг жами \_\_\_\_\_ дона овоз берувчи  
 акцияларга эга жами рўйхатдан ўтказилган иштирокчилари \_\_\_\_\_ киши.

Кворум мавжудлиги (овоз берувчи акциялар умумий сонидан фоизларда)  
 \_\_\_\_\_ %.

Санок комиссияси аъзолари: \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.  
 (имзо)  
 \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.  
 (имзо)  
 \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.  
 (имзо)

Акциядорлар умумий йиғилиши  
тўғрисидаги Низомга  
2-сонли ИЛОВА

“ \_\_\_\_\_ ”-сонли БЮЛЛЕТЕНЬ\*

20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_ да “\_\_\_\_\_” Акциядорлик жамиятининг \_\_\_\_\_ манзил бўйича ўтказиладиган Акциядорларнинг йиллик (навбатдан ташқари) умумий йиғилишида овоз бериш учун \_\_\_\_\_ дона овоз берувчи акцияларга эга юридик шахс акциядорнинг тўлиқ номланиши (жисмоний шахс акциядорнинг Ф.И.Ш.) \_\_\_\_\_, йиғилиш ўтказиладиган сана: соат \_\_: \_\_ да.

Кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш учун овозлар сони: \_\_\_\_\_

Кун тартиби масалалари бўйича овоз беришда қуйидаги овоз бериш вариантларидан бирини танлаш керак: “ха”, “қарши” ёки “бетараф” (вариантларни танлаш усуллари: Х, √ ёки муайян катакчага овозлар сонини ёзиб қўйиш), Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш масаласи бўйича овоз бериш бундан мустасно.

т/р	Овоз бериш учун қўйилган масаланинг ифодаланиши	Ҳа	Қарши	Бетараф

Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш масаласи бўйича овоз бериш учун овозлар сони (Сизга тегишли овозлар сонини Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланадиган шахслар сонига кўпайтириш керак): \_\_\_\_\_.

Бунда Сиз шундай тарзда олинган овозларни бир номзод учун тўлиқ беришингиз ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашингиз мумкин.

т/р	Овоз бериш учун қўйилган масаланинг ифодаланиши:		Ҳа (Кузатув кенгаши аъзолигига номзод учун берилган овозлар сони)
	Кузатув кенгаши аъзолигига номзоднинг Ф.И.Ш.	Кузатув кенгаши аъзолигига номзод тўғрисидаги маълумотлар	

Фамилия, исм-шарифи \_\_\_\_\_  
(имзо)

Овоз бериш учун бюллетень акциядор (унинг вакили) томонидан имзоланиши керак.

\* Қайд этили рўйхати бўйича акциядор рақами кўрсатилади.

Акциядорлар умумий йиғилиши  
тўғрисидаги Низомга  
3-сонли ИЛОВА

“\_\_\_\_\_” Акциядорлик жамиятининг Акциядорлар йиллик  
(навбатдан ташқари) умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида

**БИЛДИРИШ ХАТИ**

Хурматли \_\_\_\_\_,  
“\_\_\_\_\_” Акциядорлик жамияти (жойлашган  
манзили: \_\_\_\_\_, алоқа боғлаш телефони: \_\_\_\_\_) Сизга шуни хабар  
қиладики, 20\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ да соат\_\_ : \_\_ да \_\_\_\_\_ манзили  
бўйича Акциядорлик жамиятимизнинг Акциядорлар йиллик (навбатдан ташқари)  
умумий йиғилишини ўтказилади.

Акциядорлар йиллик (навбатдан ташқари) умумий йиғилишида иштирок қилиш  
ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 20\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги ҳолат бўйича  
шакллантирилган акциядорлар реестри асосида тузилади.

Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок қиладиган акциядорларни рўйхатдан  
ўтказиш соат\_\_ : \_\_ да бошланади ва соат\_\_ : \_\_ гача давом эттирилади.

Сизга Акциядорлар йиллик (навбатдан ташқари) умумий йиғилишининг қуйидаги  
кун тартибини маълум қиламиз:

- 1.
- 2.
- 3.

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши даврида Сиз Акциядорлар умумий  
йиғилишининг қуйидаги материаллари билан танишиб чиқишингиз мумкин:

- 1.
- 2.
- 3.

Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок қилиш учун акциядорлар ўзларида  
паспортга, акциядорлар вакиллари эса – ЎзР қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ  
расмийлаштирилган (жисмоний шахслар учун – нотариал тасдиқланган, юридик  
шахслар учун – мазкур юридик шахс томонидан берилган) ваколатномага эга бўлишлари  
керак.

“\_\_\_\_\_” АЖ  
Кузатув кенгаши

Акциядорлар умумий йиғилиши  
тўғрисидаги Низомга  
4-сонли ИЛОВА

“ \_\_\_\_\_ ” АЖ

Акциядор \_\_\_\_\_ нинг  
Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига масала киритиш тўғрисидаги

**ТАКЛИФИ**

Тегишли акциялар сони:

\_\_\_\_\_ дона оддий акция;

\_\_\_\_\_ дона имтиёзли акция.

Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритиладиган масаланинг  
ифодаланиши (унинг кун тартибига киритилиш сабаблари кўрсатилади):

---

---

---

---

Кузатув кенгаши аъзолигига кўрсатиладиган номзодлар (Ф.И.Ш., иш жойи,  
лавозими, номзодга тегишли АЖ акциялари сони, турлар бўйича ажратилган):

---

---

---

Тафтиш комиссияси аъзолигига кўрсатиладиган номзодлар (Ф.И.Ш., иш жойи,  
лавозими, номзодга тегишли АЖ акциялари сони, турлар бўйича ажратилган):

---

---

---

Ижроия органига кўрсатиладиган номзодлар (Ф.И.Ш., иш жойи, лавозими,  
номзодга тегишли АЖ акциялари сони, турлар бўйича ажратилган):

---

---

---

Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (имзо, сана)

Акциядорлар умумий йиғилиши  
тўғрисидаги Низомга  
5-сонли ИЛОВА

“ \_\_\_\_\_ ” АЖ

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида

**ТАЛАБНОМА**

Йиғилиш чақирилишини талаб қилаётган шахс Ф.И.Ш. (номланиши):  
\_\_\_\_\_ (Тафтиш комиссияси аъзоси томонидан талабнома бериладиган ҳолатда, бу  
хам ушбу устунда акс эттирилиши керак).

Тегишли акциялар сони (талабнома акциядор томонидан берилган ҳолатда  
тўлдирилади):

\_\_\_\_\_ дона оддий акция;  
\_\_\_\_\_ дона имтиёзли акция.

Талабнома мазмуни (Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини  
чақириш сабаблари ифодаланади):

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритиладиган масаланинг  
ифодаланиши (унинг кун тартибига киритилиш сабаблари кўрсатилади):

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Кузатув кенгаши аъзолигига кўрсатиладиган номзодлар (Ф.И.Ш., иш жойи,  
лавозими, номзодга тегишли АЖ акциялари сони, турлар бўйича ажратилган):

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (имзо, сана)